

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДИЕВ БЕКЗОД РИЗВОНОВИЧ

**БОЛАЛАРДА УРЕТРА ОРҚА КЛАПАНИНИ ЭРТА ЖАРРОХЛИК
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдиев Бекзод Ризванович

Болаларда уретра орқа клапанини эрта жаррохлик даволашни такомиллаштириш.....	3
--	---

Абдиев Бекзод Ризванович

Совершенствование раннего хирургического лечения клапана задней уретры у детей.....	29
--	----

Bekzod Rizvanovich Abdiev

Improvement of Early Surgical Treatment of Posterior Urethral Valve in Children.....	55
---	----

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ List of published works.....	58
---	----

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДИЕВ БЕКЗОД РИЗВОНОВИЧ

**БОЛАЛАРДА УРЕТРА ОРҚА КЛАПАНИНИ ЭРТА ЖАРРОХЛИК
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B20231.3. PhD/Tib3938–рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот–таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Агзамходжаев Саиданвар Талатович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Болалар Миллий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/01.02.2022.tib.147.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 294 уй. Тел/факс (+99855) 503-03-66; e-mail: ilmiy.kengash@bmtm.uz).

Диссертация билан Болалар Миллий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 294 уй. Тел/факс (+99855) 503-03-66

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

А.С. Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.Ш. Эргашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусини долзарблиги ва унга бўлган зарурати. Халқаро адабиёт маълумотларига кўра, «... орқа уретра клапани ҳар 5000–8000 тирик туғилган боладан бирида учрайди ва янги туғилган ўғил болаларда инфравезикал тўсиқнинг энг кенг тарқалган сабаби ҳисобланади. Нисбатан кам учрайдиган патология бўлишига қарамай, ОУК болалар нефроурологиясига жиддий таъсир кўрсатади, чунки беморларнинг учдан бир қисмида вақт ўтиши билан буйрак фаолиятида хроник равишда сусайиш ривожланади ва бу ҳолат баъзида терминал босқичга етиб боради»¹. Ташқи чиқарув тизимининг туғма нуқсонлари таркибида КЗУ алоҳида ўрин тутаяди, чунки ЖССТ маълумотларига кўра, бу нуқсонлар чақалоқлар ўлимига олиб келувчи етакчи 10 сабабдан бири ҳисобланади. Адабиёт маълумотларига кўра, ОУКга эга бўлган болаларнинг 32-40% гача кейинчалик буйрак фаолиятининг пасайиб боришига дучор бўлади ва уларнинг катта қисмида буйрак етишмовчилигининг терминал босқичи ривожланади, бу эса диализ ёки буйрак кўчириб ўтказишни талаб қилади.

Пренатал визуализация (шу жумладан, ҳомиладаги УЗИ ва МРТ) соҳасидаги ютуқларга қарамай, бу усулларнинг аниқлиги ва прогностик қиймати ҳали ҳам чекланган. Бундан ташқари, ОУКга эга бўлган болаларда вақтинча сийдик чиқаришни таъминлаш усуллари, клапанларнинг эндоскопик абляциясини қайси вақтда ўтказиш, антихолинергик терапиянинг аҳамияти борасида баҳслар ҳали ҳам давом этмоқда. Клиник амалиётда турли даражадаги тўсиқ, қовуқ сийдик найи рефлюкси мавжудлиги ва буйрак функциясининг сусайишига эга бўлган беморлар учун оптимал даво тактикасини танлаш масалалари ҳанузгача ечимини топмаган. Айниқса ривожланаётган мамлакатлар шароитида бундай беморларни юритиш учун ягона протоколнинг мавжуд эмаслиги, антенатал ва постнатал маълумотлар, сийдик чиқариш тизимининг морфо-функционал баҳоси ва узоқ муддатли кузатувларга асосланган дифференциал ёндашувни талаб қилади. Қўшимча муаммолардан бири - клапанни ўз вақтида абляция қилиш имкони бўлмаган ҳолатларда сийдик чиқаришни таъминлаш усулини танлашдир. Ҳар қанча турли хил хирургик деривация усуллари мавжуд бўлмасин, самарали ва хавфсиз дренажни таъминлайдиган универсал ва кам шикастловчи методика ҳанузгача ишлаб чиқилмаган.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, болалар урологиясида касалликларнинг эрта ташхислаш ва асоратларни олдини олиш бўйича катта натижаларга эришилган. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида, жумладан «...оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини

¹ European Association of Urology (EAU) «Guidelines on Paediatric Urology», 2024г.

камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш»² вазифалари белгиланган қатор илмий тадқиқотлар ўтказиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Уретра орқа клапанлари (ОУК) янги туғилган ўғил болаларда инфравезикал тўсиқнинг энг кенг тарқалган сабаби ҳисобланади ва болаларда сурункали буйрак касалликларининг (СБК) ривожланишига олиб келувчи асосий омиллардан бири сифатида қайд этилади. ОУК бўйича клиник кузатувлар ва илмий тадқиқотлар етарлича кўп бўлишига қарамай, бу патологияни эрта аниқлаш, даво тактикаси ва асоратларнинг олдини олиш масалалари ҳанузгача долзарб ва баҳсли бўлиб қолмоқда. Жаҳон илмий адабиётида ОУКнинг патогенези, клиник хусусиятлари, диагностика ва даволаш усуллари ҳақида катта миқдорда маълумотлар тўпланган. Айниқса, А. Пури орқали “клапанли сийдик пуфаги” концепцияси ва уродинамик ўзгаришларни ўрганиш бўйича катта ҳисса қўшилган. У шунингдек, ОУКга эга бўлган беморларда миоген етишмовчилик ҳолатида антидепрессант имипраминнинг самарадорлигини ҳам таҳлил қилган.

Ј.Т. Кейси ва ҳаммуаллифларнинг (2012, J Urol) ишлари катта қизиқиш уйғотади, чунки улар ОУКга эга янги туғилган чақалоқларда оксибутининни эрта қўллаш сийдик пуфагининг комплаентлигини яхшилаш ва унинг ремоделланишини олдини олишда самарали эканини намоён этган. А. Фауре ва ҳамкасбларининг (2017, Prenat Diagn) тадқиқотлари диффузион-магнит резонас томография (МРТ) ва диффузия коэффициенти (ADC) ОУКга эга ҳомилаларда туғилгандан кейинги буйрак функциясини башорат қилишда муҳим аҳамиятга эга эканини тасдиқлаган. Антенатал диагностика самарадорлиги ва унинг нефрологик натижаларга таъсири О.М. Сархан ва ҳаммуаллифлар (2013) томонидан ўрганилган. Улар кўп марказли тадқиқотда ОУКни эрта аниқлаш СВКдан тўлиқ муҳофаза бермаслигини кўрсатган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»

Р.К. Моррис ва ҳамкасблар (2009; 2013), PLUTO тадқиқотида қатнашган ҳолда, куйи сийдик чиқариш йўллари обструкциясининг антенатал белгиларига батафсил таҳлил берган ва пренатал УЗИнинг махсуслигининг чекланганлигини таъкидлаган. Сийдик пуфаги бўйнининг иккинчи даражали обструкцияси муаммоси, унинг миоген этишмовчилик билан боғлиқлиги ва альфа-блокаторлар ҳамда қовуқ бўйинчасини кенгайтирувчи пластикасини қўллаш имконияти Р.А. Андрулакис ҳамда S. Кейхани томонидан ўрганилган. Улар бундай аралашувларнинг узоқ муддатли оқибатлари, жумладан, репродуктив қобилиятга таъсирини таҳлил қилганлар.

Миллий ва минтақавий урология адабиётида ҳам УОКни аниқлаш ва уни жарроҳлик йўли билан даволаш масалалари тадқиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикасида болаларда УОКни самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга катта ҳисса қўшган мутахассислар қаторида А.Х. Акилов, А.А. Рахматуллаев, С.Т. Агзамходжаев каби олимларни таъкидлаш мумкин. Уларнинг илмий ишлари сийдик чиқаришни таъминлаш усулларини такомиллаштириш ва сийдик чиқариш тизими туғма нуқсонларини комплекс ташхислашга бағишланган.

Маҳаллий урологиянинг классик вакиллари орасида обструктив уропатия масалаларини ёритган И.М. Савельев, А.А. Лопаткин ва С.Г. Колесниковларни алоҳида эътироф этиш лозим. Кўплаб тадқиқотларга қарамай, ҳозирги вақтда УОКнинг турли клиник шаклларига эга бўлган беморлар учун ягона юритиш алгоритми мавжуд эмас. Бу эса антенатал ва постнатал маълумотлар, шунингдек, болаларда сийдик чиқариш тизимининг морфо-функционал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда масаланинг янада чуқур ўрганилишини тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, 2021–2025 йиллар учун мўлжалланган 03.191-сонли №01980006703 мавзуси «Болаларда туғма ва ортирилган касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш» доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда орқа уретра клапани жарроҳлик йўли билан даволаниш натижаларини яхшилаш мақсадида эрта ташхис қўйиш ва сийдик чиқариш усулларини такомиллаштириш орқали самарадорликни оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳомилада орқа уретра клапани кечишининг эхографик белгилари динамикасини ўрганиш асосида бола туғилишининг хавф омилларини аниқлаш;

турли хил сийдик чиқариш усуллари натижаларини таққослаш орқали уретра орқа клапани бўлган болаларда сийдик деривациясини танлаш учун дифференциал ёндашувни ишлаб чиқиш;

уретра орқа клапани бўлган болалар учун сийдик деривациясининг янги модификациясини ишлаб чиқиш;

уретра орқа клапани бўлган болаларда жарроҳлик даволашнинг яқин ва узок муддатли натижаларини буйракларнинг морфо-функционал ҳолатини баҳолаган ҳолда ўрганиш.

Тадқиқот объекти сифатида 2018 йилдан 2024 йилгача Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва Миллий болалар тиббиёт марказида комплекс текширув ва жарроҳлик даволанишдан ўтган орқа уретра клапани (КЗУ) ташхиси қўйилган 120 нафар ўғил бола олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида анамнез, физик текширув (кўздан кечириш, пальпация, перкуссия, аускультация), симптомлар ва бемор ҳолатининг динамикасини баҳолаш, сийдикнинг умумий таҳлили, қоннинг биокимёвий таҳлили (креатинин, мочевино, электролитлар даражасини аниқлаш) орқали буйрак фаолияти ва яллиғланиш жараёни мавжудлигини баҳолаш натижалари хизмат қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Пренатал ва постнатал ультратовуш текшируви, микцион цистоуретрография, экскретор урография, кўп кесимли компьютер томографияси (МСКТ), радиоизотопли ренография, цистоуретроскопия, жарроҳлик усуллари (трансуретрал абляция, везикостомия, уретерокутанеостомия, Double J стентлар ўрнатилиши) ҳамда статистик таҳлил усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан изоҳланади:

ҳомиладорлик даврида патологияни гумон қилиш ва янги туғилган чақалоқларни юритиш тактикасига ўз вақтида қарор қабул қилиш имконини берадиган прогностик аҳамиятга эга эхографик мезонларни аниқлаш мақсадида болаларда УОКнинг антенатал ва постнатал белгиларига комплекс таҳлил ўтказилди.

УОКнинг турли даражадаги оғирлик ҳолатларида сийдик чиқариш усулини танлаш учун дифференциал ёндашув ишлаб чиқилди ва илмий жиҳатдан асосланди. Бу ёндашув бемор ёши, буйрак функциясининг ҳолати ва пузыр-мочеточник рефлюксининг даражасига асосланган ҳолда амалга оширилди.

Double J стентни доимий дренаж учун ўрнатишнинг модификация қилинган техникаси таклиф этилди ва амалиётга жорий этилди (патент № IAP 7813 (2024)). Бу УОКнинг оғир шакллари даволашда жарроҳлик усуллари кенгайтириш ҳамда минимал инвазив ва самарали дренажни таъминлаш имконини берди.

УОК бўлган болаларда жарроҳлик даволашнинг яқин ва узок муддатли натижалари баҳоланди. Ушбу баҳолашда буйрак ва сийдик пуфагининг морфо-функционал ҳолатидаги ўзгаришлар ультратовушли доплерография, микцион цистоуретрография ва радиоизотопли сцинтиграфия ёрдамида кузатилди. Бу эса буйрак касаллигининг хрониклашуви ва уродинамика бузилишларининг хавф омилларини аниқлаш имконини берди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар билан хулосаланади:

Орқа уретра клапани бўлган касалликларни даволаш бўйича дифференциал алгоритм ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. У алгоритм антенатал ва постнатал диагностика, сийдикни вақтинча чиқариш усулини танлаш ҳамда клапанларни абляция қилишнинг оптимал муддатларини буйрак ва сийдик пуфаги функциясига қараб белгилашни ўз ичига олади.

Сийдик чиқариш усулини (везикостомия, уретеростомия, Double J-стент ўрнатиш ва бошқалар) тўғри танлаш тактикаси анатомик хусусиятлар, тўсиқ даражаси ва асоратлар мавжудлигига асосланиб асослаб берилди. Бу эса КЗУга эга янги туғилган чақалоқларда хроник буйрак касаллигининг ривожланиш хавфини камайтиришга ёрдам беради.

Клиник амалиётга Республика Узбекистанда фойдали модел сифатида патентланган (№ IAP 7813) сийдик пуфагини доимий дренаж қилишнинг оригинал усули жорий этилди. У юқори самарадорлик ва кам шикастловчи хусусиятга эга бўлиб, клапанларни дарҳол абляция қилиш имкони бўлмаган ҳолатларда самарали ечим ҳисобланади.

Олинган яқин ва узоқ муддатли даволаш натижалари ОУКга эга болаларни динамик кузатиш кўрсатмаларини шакллантириш ва уродинамик бузилишларнинг олдини олиш ва коррекция қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди. Бу эса реабилитация тадбирларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, амалиётда кенг қўлланиладиган клиник ва инструментал тадқиқот усулларида, шунингдек олинган маълумотларни статистик қайта ишлашнинг тўғри стандарт усулларида фойдаланганлик билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти - УОК бўйича антенатал ва постнатал ташхис мезонларининг чуқур таҳлили, сийдикни вақтинча чиқариш усуллари танлашда дифференциал ёндашувни асослаб бериш ва болаларда сийдик чиқариш тизими функциясини баҳолашда намоён бўлади. УОКда сийдик пуфагини доимий дренаж қилиш усули обструкциянинг оғир шакллари кам шикастловчи жарроҳлик усуллари орқали даволаш имкониятларини кенгайтиради..

Текширувнинг амалий қиймати УОКга эга беморларни юритиш учун алгоритм ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилганлигида ифодаланади. У алгоритм эрта ташхис, сийдик чиқариш усулини индивидуал танлаш, ўз вақтида трансуретрал абляция ва замонавий инструментал усуллар ёрдамида динамик кузатувни ўз ичига олади. Олинган натижалар даволаш самарадорлигини ошириш, асоратлар сонини камайтириш ва болаларда ушбу оғир туғма патология бўйича нефроурологик прогнозни яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда уретра орқа клапанини эрта жарроҳлик даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик - болаларда УОКнинг антенатал ва постнатал белгиларига комплекс таҳлил ўтказиш орқали прогностик аҳамиятга эга эхографик мезонларни аниқлаш бўйича таклиф илмий жиҳатдан исботланган ва “Болаларда орқа уретра клапанига замонавий ташхис ва даволаш усуллари кўллаш” мавзусидаги услубий тавсияларга киритилган. Ушбу тавсиялар ТошПТИ Илмий кенгашининг 2024 йил 3 июлдаги 03/298-сонли қарори билан тасдиқланган. Таклиф амалиётга жорий этилган: Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 24 октябрдаги 228-т-сонли буйруғи ва Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 20 ноябрдаги 11-т-сонли буйруғи асосида (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг ҳулосаси асосида). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** УОКни эрта ташхис қилиш даволаш тактикасига ўз вақтида режа тузиш имконини берди ва оғир асоратлар сонининг камайишига олиб келди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** Касалликнинг кеч босқичларида қимматбаҳо текширув усулларига бўлган харажатлар қисқартирилди, ҳар бир бемор учун ўртача иқтисодий тежамкорлик 960 000 сўмни ташкил этди. **Хулоса:** Ишлаб чиқилган антенатал ва постнатал скринингнинг эхографик мезонлари УОКни эрта аниқлаш аниқлигини оширади ва даволаш тактикасига ўз вақтида киришиш имконини беради, бу эса оғир асоратлар хавфини камайтиради.

Иккинчи илмий янгилик: орқа уретра клапани турли даражадаги оғирликка эга бўлган болаларда буйрак фаолияти ҳолати, қовуқ-сийдик найи рефлюксининг ифодаланиш даражаси ва бемор ёшига асосланиб, сийдикни чиқариш усулини танлашда дифференциал ёндашув ишлаб чиқилди ва илмий жиҳатдан асослаб берилди. Бу таклиф “Орқа уретра клапани бўлган болаларда сийдикни чиқариш усулини танлашда дифференциал ёндашув хусусиятлари” мавзусидаги услубий тавсияларда баён этилган маълумотлар асосида ишлаб чиқилди ва ТошПТИ Илмий кенгашининг 2024 йил 3 июлдаги 03/297-сонли қарори билан тасдиқланган. Таклиф амалиётга жорий этилди: Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 24 октябрдаги 228-т-сонли буйруғи ва Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 20 ноябрдаги 11-т-сонли буйруғи асосида (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгаш ҳулосасига асосан). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** УОКнинг оғир шакллари бўлган болаларда қайта жарроҳлик аралашувлари ва асоратлар сони камайди, тирик қолиш даражаси ошди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** Қайта операциялар ва узок муддатли даволаш харажатларининг тежалиши ҳар бир бемор учун ўртача 1 100 000 сўмни ташкил этди. **Хулоса:** УОК оғирлик даражаси, буйрак функцияси ва рефлюкс мавжудлигига асосланган ҳолда сийдикни чиқариш усулини танлаш бўйича дифференциал алгоритмни амалиётга жорий этиш жарроҳлик натижаларини яхшилади ва қайта жарроҳлик эҳтиёжини камайтиради.

Учинчи илмий янгилик: УОКнинг оғир шакллари даволашда жарроҳлик амалиётини кенгайтириш ва сийдик пуфагини доимий дренаж

қилишни таъминлаш мақсадида Double J стентни ўрнатишнинг модификация қилинган усули таклиф этилди ва амалиётга жорий этилди (№ IAP 7813, 2024). Бу усул кам шикастловчи ва самарали дренаж имконини беради. Ушбу хулосалар "Орқа уретра клапани бўлган болаларда сийдикни чиқариш усулини танлашда дифференциал ёндашув хусусиятлари" мавзусидаги услубий тавсияларга киритилган бўлиб, 2024 йил 3 июлда ТошПТИ Илмий кенгаши қарори (№03/297) билан тасдиқланган. Таклиф амалиётга жорий этилган: Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 24 октябрдаги 228-т-сонли буйруғи ва Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 20 ноябрдаги 11-т-сонли буйруғи асосида. (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгаш хулосасига асосан). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Клапанни дарҳол абляция қилиш мумкин бўлмаган ҳолатларда сийдик чиқариш йўллари адекват дренаж қилиш имкониятини яратиб, СБКнинг авж олиши хавфини камайтиришга имкон берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* Госпитализация муддати ва асоратлар сонининг камайиши натижасида ҳар бир бемор учун ўртача 1 300 000 сўм миқдорида иқтисодий фойда таъминланди. *Хулоса:* Сийдик пуфагини стентлашнинг такомиллаштирилган усулини қўллаш УОКнинг оғир шакллари бўлган янги туғилган чақалоқларда сийдикни вақтинча чиқаришда самарали ва кам шикастловчи усулни таъминлади ҳамда даволашнинг хавфсизлиги ва натижадорлигини оширди.

Тўртинчи илмий янгилик: УОК бўйича жарроҳлик даволашнинг яқин ва узоқ муддатли натижалари баҳоланди. Ушбу таҳлил доирасида буйрак ва сийдик пуфагининг морфо-функционал ҳолатидаги ўзгаришлар динамикаси ультратовушли доплерография, микцион цистоуретрография ва радиоизотопли сцинтиграфия ёрдамида ўрганилди. Бу эса сурункали буйрак касаллигининг авж олиш хавфи ва уродинамик бузилишлар хавф омилларини аниқлаш имконини берди. Ушбу таклифлар "Болаларда орқа уретра клапанига замонавий ташхис ва даволаш усуллари қўллаш" мавзусидаги услубий тавсияларга киритилган бўлиб, ТошПТИ Илмий кенгашининг 2024 йил 3 июлдаги 03/298-сонли қарори билан тасдиқланган. Таклиф амалиётга жорий этилди: Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 24 октябрдаги 228-т-сонли буйруғи ва Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 20 ноябрдаги 11-т-сонли буйруғи асосида (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгаш хулосасига асосан). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Жарроҳлик даволаш самарадорлигини баҳолаш аниқлиги ошди, СБК ривожланишига олиб келадиган хавф омиллари ўз вақтида аниқланмоқда. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* Нефрологик асоратлар сонининг камайиши реабилитация ва госпитализация харажатларини ҳар бир бемор учун ўртача 1 500 000 сўмгача қисқартиришга имкон берди. *Хулоса:* Ишлаб чиқилган динамик кузатув протоколи операциядан сўнг буйрак ва сийдик пуфаги функциясини объектив назорат қилиш имконини беради, бу эса прогнозни яхшилайти ва терапевтик чораларни ўз вақтида тўғрилашга шароит яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида тақдим этилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, мақсад ва вазифалар баён этилган, тадқиқот объекти ва предметиға характеристика берилган, диссертацион ишнинг Республикадаги илмий ва технологик устувор йўналишларга мослиги намоён этилган, илмий янгилик ва амалий натижалар кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши рўйхати келтирилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Болаларда орқа уретра клапанини ташхислаш ва даволашнинг замонавий жиҳатлари»** деб номланган бўлиб, унда хорижий ва маҳаллий адабиётлар маълумотлари шарҳ қилинган ҳамда КЗУнинг эпидемиологияси, этиологияси ва патогенези, шунингдек, уни ташхислаш ва даволаш бўйича замонавий ёндашувлар таҳлил этилган. Ўтказилган таҳлил натижалари тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади ва вазифаларини асослаб берган. Қисқача хулосада болаларда КЗУни эрта даволаш ва сийдикни чиқаришнинг замонавий усулларида фойдаланиш долзарблиги қайд этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Клиник материалнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари»** деб номланган бўлиб, унда турли даражадаги уретра орқа клапани ташхиси қўйилган беморлар характеристикаси баён этилган. Сийдик йўллари ва буйрак функциясини баҳолаш учун УТТ, МЦУГ, экскретор урография, радиоизотопли нефросцинтиграфия ва эндоскопик усуллар қўлланган.

Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида биз томонимиздан 0 ёшдан 18 ёшгача бўлган, УОК ташхиси тасдиқланган 120 нафар эркак жинсли бемор текширувдан ўтказилди (шулардан 34 нафар (37,5%) болада УОК антенатал аниқланган). Ўтказилган тадқиқотларни таҳлил қилиш учун барча беморлар 2 гуруҳга бўлинди:

-биринчи гуруҳга 73 нафар (60,8%) бола киритилди, уларда орқа уретра клапани асосий даволаш усули сифатида резекция қилинган. Операция жараёнида мембраноз қатламларни олиб ташлаш ёки кесиш орқали

сийдикнинг нормал чиқиши тикланган. Агар клапанни кесиш етарли бўлмаса, қўшимча равишда дренаж усули қўлланган.

Иккинчи гуруҳ - бу гуруҳга сийдикни чиқариш учун дренаж усуллари қўлланган болалар киритилган. Ушбу гуруҳда бир нечта жарроҳлик коррекция усуллари қўллангани сабабли, беморлар учта кичик гуруҳга бўлинган.

-биринчи кичик гуруҳ (2а) - 15 нафар (12,5%) боладан иборат бўлиб, уларга везикостомия амалга оширилган. Бу операциянинг моҳияти сийдик пуфакдан сийдик чиқиши учун қўшимча йўл яратишдан иборат. Ушбу жарроҳлик усули орқа уретра клапани кесилиши билан сийдик чиқиши тўлиқ тикланмайдиган оғир ҳолатларда қўлланган.

-иккинчи кичик гуруҳга (2б) 14 нафар (11,7%) бола киритилди, уларда уретеростомия амалга оширилган. Бу жарроҳлик усули уретранинг ташқи юзасида тешик ҳосил қилиш орқали сийдикни дренаж қилишни назарда тутди ва орқа уретра клапанининг оғир шаклларида қўлланилган.

-учинчи кичик гуруҳга (2в) 18 нафар (15,0%) бола киритилди, уларга Double J стенти ўрнатилган. Бу усул орқа уретра клапани бўлган болаларда сийдик пуфакни узок муддатли ва хавфсиз дренаж қилиш учун қўлланилган. Ушбу усул операциядан сўнг сийдикнинг узок давомли чиқишини таъминлаш зарур бўлган беморларга қўлланган.

1 Таблица

**Беморларни ёш гуруҳлари ва даволаш гуруҳлари
бўйича тақсимланиши (n=120)**

Гуруҳлар	Клапанни кесиш (резекцияси) (n = 73)	Везикостома (n = 15)	Уретростома (n = 14)	Стентлаш (n = 18)
0 дан-12 ойгача	27 (37,0)	11 (73,3)	5 (35,7)	7 (38,9)
1 ёшдан-3 ёшгача	21 (28,8)	3 (20,0)	5 (35,7)	8 (44,4)
3 ёшдан-6 ёшгача	12 (16,4)	-	3 (21,4)	2 (11,1)
6 ёшдан-10 ёшгача	8 (11,0)	-	1 (7,1)	-
10 ёшдан-18 ёшгача	5 (6,8)	1 (6,7)	-	1 (5,6)
Умумий	73 (100,0)	15 (100,0)	14 (100,0)	18 (100,0)

Изоҳ: Ёшга доир статистик аҳамиятли фарқлар қуйидаги гуруҳларда аниқланди: клапанни кесиш гуруҳида ($\chi^2 = 23,09$; $p < 0,001$), везикостомия гуруҳида ($\chi^2 = 11,2$; $p < 0,004$), стентлаш гуруҳида ($\chi^2 = 8,2$; $p < 0,05$), Уретеростомия гуруҳида эса фарқлар аҳамиятли эмас эди ($\chi^2 = 3,14$; $p > 0,05$).

Болаларда орқа уретра клапанини ташхислашда анамнез синчиклаб тўплаш муҳим аҳамият касб этди, у оилавий анамнез, касаллик белгилари ва уларнинг динамикасини ўз ичига олган. Физик кўрикга қоринни кўздан кечириш, палпация, перкуссия ва аускультация каби усуллар киритилиб, улар касаллик аломатларини аниқлашга қаратилган эди. Асосий лаборатория усули - умумий сийдик таҳлили бўлиб, у сийдикдаги патологик ўзгаришларни аниқлаш имконини берди. Шунингдек, қонда креатинин, мочевино ва электролитлар даражасини аниқлашни ўз ичига олган биокимёвий таҳлиллар ўтказилди, бу эса буйрак функциясини баҳолаш учун муҳим ҳисобланади. Буйракларни комплекс ультратовушли диагностика

қилиш учун «TOSHIBA» компаниясининг «Aplio 500» аппаратидан фойдаланилди. Бу мақсадда 3,5 МГц частотали конвекс датчик В-режимда, шунингдек, рангли ва энергияли доплер карталаш режимлари билан қўлланилди, стандарт методикага амал қилинди. Рентгенологик текширувлар махсус жиҳозланган рентген хонасида Япониянинг «Fujitsu» рақамли аппаратида ўтказилди.

Орқа уретра клапани патологияси аниқланган барча беморларга микцион цистоуретрография мажбурий тарзда ўтказилди. Контраст модда сифатида 10% концентрацияли сувда эрувчи уч-йодли препаратлар қўлланилди. Мультиспирал компьютер томографияси Германияда ишлаб чиқарилган Siemens SOMATOM Perspective 64 аппаратида контраст модда юборилган ҳолда ва кечиктирилган тасвирлар олиниши билан амалга оширилди. Ушбу усул тахминан 100% аниқлик билан энг ахборотли ташхис усули сифатида тасдиқланди. Радиоизотопли нефросцинтиграфия эса буйракнинг функционал захира имкониятларини ва патологик жараённинг чуқурлигини аниқлаш учун ўтказилди.

Цистоуретроскопия орқа уретра клапанларини тўғридан-тўғри визуализация қилиш имконини берадиган муҳим ташхис усули ҳисобланиб, у сийдик пуфаги ва уретранинг анатомик ва функционал бузилишларини аниқлаш ҳамда баҳолашга ёрдам беради. Шунингдек, шиллиқ қават ҳолатини баҳолаш, девор трабекулярлигини кўриш, қўшимча тузилмаларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, уларнинг локализацияси, шакли ва ўлчамларини, оғизчасининг ҳаракатчанлиги (перистальтикаси)ни субъектив баҳолаш имконини беради. Барча болаларга ташхис қўйиш ва даволаш босқичларида текширув умумий анестезия остида амалга оширилди. Текширув учун «Carl Storz» фирмаси ишлаб чиқарган 0° цистоскоплар, Ch № 7–11 кўрув тубуслари қўлланилди. Жарроҳлик муолажалари - клапанни кесиш, везикостомия (шу жумладан «Mickey» везикостомияси), уретеростомия ва стентлаш каби дренаж усуллари - касаллик оғирлиги ва беморнинг ҳолатига қараб танланган.

Операциядан кейинги кузатувга клиник, лаборатория ва инструментал усуллар орқали даволаш самарадорлиги ва бемор ҳолатини баҳолаш киритилди. Тадқиқот доирасида таърифий статистика ўтказилди. Унга ҳар бир таҳлил гуруҳи учун медиана (Me) ва 25 ҳамда 75 перцентильлар ҳисоблаш киритилди. Таққослаш учун Манн-Уитни Т-критерийи ва Стьюдент t-критерийи қўлланилди, бунда натижаларни баҳолашда Фишер бўйича бурчакли трансформация амалга оширилди. Корреляцион боғлиқликни аниқлашда **Спирменнинг ранг корреляция коэффициенти (r)**дан фойдаланилди. $p < 0,05$ бўлган қийматлар статистик жиҳатдан ишончли деб қабул қилинди. Маълумотларни таҳлил қилиш учун Microsoft Excel дастури ишлатилди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Орқа уретра клапани билан боғлиқ жарроҳлик тузатиш усулини дифференциал танлашнинг патогенетик асослари**» деб номланиб, унда 2019 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда болаларда олиб борилган ташхис ва даволаш тадбирлари натижалари таҳлил қилинган. Орқа уретра клапанининг антенатал ташхиси носоғломликни эрта аниқлашда муҳим босқич бўлиб, янги туғилган чақалоққа нисбатан бошқарув тактикаси ва шу жумладан, жарроҳлик тузатиш усулини танлаш имконини

берди. Антенатал даврда орқа уретра клапани (ОУК) 34 та ҳомилада гумон қилинган бўлиб, бу текширилган барча ҳолатларнинг 28,3% ни ташкил қилди.

Орқа уретра клапани (ОУК)нинг эхографик белгилари биринчи марта аниқланган гестация ёши нуқсон оғирлигини прогноз қилиш ва ҳомиладорликни олиб бориш ҳамда туғилгандан кейинки даволаш тактикасини танлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бизнинг тадқиқотимизда ташхис қўйиш муддати ҳомиладорликнинг 16 ҳафтасидан 36 ҳафтасигача ўзгариб турган, шунингдек, патологияни аниқлашда энг кўп учрайдиган давр 21–30 ҳафта оралиғи бўлган (1 диаграммага қаранг).




Диаграмма 1. Эхографик ўзгаришлар аниқланган гестация ёши

Ҳолатларнинг 23,5% да ОУК 16–20 ҳафталикда аниқланган, бироқ энг кўп ҳолатлар (64,7%) 21–30 ҳафтада қайд этилган. Шунингдек, кечги муддатларда (31–36 ҳафта) ташхис 11,8% ҳолатда қўйилган. Бу ҳолатлар эрта скринингнинг муҳимлигини кўрсатади. Антенатал УЗИ текширувлари давомида 72 та ҳомилада қуйидаги патологиялар аниқланган: «Қулф калити» белгиси 10 та (29,4%) ҳомилада кузатилган. Гидронефроз ташхиси 7 та ҳомилада қўйилди, бу эса 20,5% ни ташкил қилади. Мегауретер 6 та ҳомилада (17,6%), уретранинг кенгайиши 3 та ҳомилада (8,8%) аниқланган. Сув камлиги (олигогидрамнион) 13 та ҳолатда (38,2%), шунингдек, 1 та ҳомилада (2,9%) ўпка гипоплазияси қайд этилган. «Қулф калити» белгиси УОК учун энг махсус (специфик) маркер ҳисобланади, бу орқа уретранинг сезиларли даражада кенгайиши ва сийдик пуфаги деворларининг қалинлашиши билан характерланади. Бизнинг тадқиқотимизда бу белги 10 та ҳомилада (29,4%) аниқланган (қаранг расм 1).

Гидронефроз ва мегауретер - сийдик чиқариш йўллариининг обструкцияси оқибатида ривожланадиган иккиламчи ўзгаришлар бўлиб, улар тегишли равишда 7 та (20,5%) ва 6 та (17,6%) ҳомилада аниқланган. SFU

шкаласи бўйича 3–4 даражадаги оғир гидронефроз аниқланган беморларнинг 42%ида туғилгандан сўнг бош сийдик йўллари декомпрессия қилиш мақсадида везикостомия талаб қилинди.



Расм 1. “Қулф калити” белгиси билан ҳомилада пешоб пуфагининг эхографик кўриниши

Мегауретер 6 та (17,6%) ҳомилада аниқланган бўлиб, у қовуқ- сийдик найи рефлюкси (ҚСЙР) хавфи юқори бўлган ҳолатлар билан боғлиқ эди. Бундай ҳолатларда 37% ҳолларда ҳаётнинг биринчи ҳафталарида уродинамикани нормаллаштириш учун Double-J стент ўрнатиш амалга оширилди. Демак, антенатал ҳолда гидронефроз ёки мегауретер мавжудлиги УОКнинг асосий жарроҳлик коррекцияси олдида дренаж жараёнларини (везикостомия, уретеростомия, стентлаш) ўтказиш зарурлигини башорат қилади.

Антенатал ташхис натижалари асосида жарроҳлик даволаш учун дифференцирланган ёндашувни ажратиб кўрсатиш мумкин (қ. жадвал 2).

2 Жадвал

Антенатал маълумотларга қараб жарроҳлик коррекцияси усулини танлаш (n=34 ҳомила)

Антенатал белги	Сезгирлик (%)	Аниқлик (%)	Аниқланган ўртача гестация ҳафтаси (ҳафта)	Асосий жарроҳлик тактикаси
«Қулф калити» белгиси	68	92	$22,4 \pm 4,2$	Трансуретрал клапан абляцияси
3–4 даражали гидронефроз	75	80	$26,1 \pm 3,7$	Везикостомия ёки уретеростомия
Мегауретер	62	85	$28,3 \pm 2,9$	Double-J стентлаш
Кам сувлик (олигогидрамнион)	50	70	$27,3 \pm 3,5$	Сийдик пуфагини тезкор катетеризация
Ўпка гипоплазияси	46	65	$26,8 \pm 2,4$	Комбинацияланган юритиш (неонатолог +

				уролог)
--	--	--	--	---------

Шу тарзда, антенатал белгиларнинг аниқланиш ўртача муддати ҳомиладорликнинг 22 ҳафтадан 28 ҳафтагача бўлган даврда кузатилди. Энг эрта аниқланадиган белги "қулф калити" бўлиб, у ўртача $22,4 \pm 4,2$ ҳафтада қайд этилган. Мегауретер ва 3–4 даражали гидронефроз эса кечроқ, асосан 26 ҳафтадан сўнг аниқланган. Шунингдек, “қулф калити” белгиси клапанни эрта трансуретрал абляция қилиш учун асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Гидронефроз ва мегауретер сийдик йўлларидаги тўсиқ (обструкция) билан боғлиқ бўлиб, дренаж операцияларини (везикостомия, стентлаш) талаб қилади. Кам сувлик (олигогидрамнион) эса УОКнинг оғир шакллари ва буйрак етишмовчилиги хавфининг юқорилигини кўрсатувчи прогностик белги бўлиб, жарроҳлик даволашда индивидуал ёндашув талаб этади.

Бўлимга ётқизилгандан сўнг барча болаларга клиник-лаборатория текширувлари ўтказилди, улар қуйидагиларни ўз ичига олди: қон ва сийдикнинг клиник таҳлиллари (лейкоцитурия даражасини аниқлаш ва сийдикнинг стерилликка экилишини ўз ичига олган); қоннинг биокимёвий таҳлили (умумий оксил, мочевина, креатинин, коптокчалар фильтрация тезлиги (КФТ), мочевина кислота); сийдикнинг биокимёвий таҳлили; ультратовуш текшируви (УЗИ) ва рентгенологик усуллар (экскретор урография ва микцион цистоуретрография).

Энг кўп учрайдиган клиник белгилари қуйидагилар бўлди: 107 нафар (89,2%) беморда сийдик чиқаришнинг бузилиши (сийдикнинг томчилаб чиқиши, кучсиз оқим ва қаттиқ зўриқиш билан), 93 нафар (77,5%)да тана ҳароратининг кўтарилиши, 44 нафар (37,0%)да тўлиқ сийдик ушланиши, 34 нафар (28,2%) болада қорин оғриғи кузатилди. Физик кўрикда 45 нафар (37,5%) болада тўп шаклидаги сийдик пуфаги, 28 нафар (23,3%) болада эса симфиз устидан пальпация қилинадиган пуфак ҳажмининг кенгайиши аниқланди. Аниқланган асосий асоратлар қуйидагилардан иборат бўлди: мегауретер - 42 нафар (35,0%), уретрогидронефроз - 38 нафар (32,0%), сийдик чиқариш йўллари инфекцияси - 83 нафар (69,2%), везико-уретрал рефлюкс - 26 нафар (21,7%), сийдик пуфаги дивертикули -20 нафар (16,7%), буйрак етишмовчилиги - 9 нафар (7,6%), клиник белгилари таҳлили жадвал 3 да келтирилган.

3 Жадвал

Уретра орқа клапани бўлган болаларда асосий клиник симптомлар учраш частотаси (n=120)

Симптомлар	1 - группа	2 – группа			Всего
		2 а	2 б	2 в	
Сийдик чиқаришнинг бузилиши	64 (87,7%)	14 (93,3%)	15 (83,3%)	14 (100%)	107 (89,2%)
Ҳароратининг кўтарилиши	52 (71,2%)	13 (86,7%)	15 (83,3%)	13 (92,9%)*	93 (77,5%)
Тўп шаклидаги сийдик пуфаги	28 (38,4%)	4 (26,7%)	7 (38,9%)	6 (42,9%)	45 (37,5%)

Мегауретер	30 (41,1%)	4 (26,7%)	8 (44,4%)	6 (42,9%)	42 (35,0%)
Сийдик йўллари инфекцияси	45 (61,6%)	12 (80%)	14 (77,8%)	12 (85,7%)*	83 (69,2%)

Изоҳ: % умумий текширилганлар сонидан ҳисобланган; $P > 0,05$ – 1-группага нисбатан аҳамиятли эмас.

Сийдикнинг умумий таҳлилидаги асосий кўрсаткичлар лейкоцитлар ва эритроцитлар бўлиб, улар 4-жадвалда келтирилган.

4 Жадвал

Сийдикнинг умумий таҳлилидаги асосий кўрсаткичлар (n=120)

Умумий сийдик таҳлили	1 - гурух	2 – гурух			p-қиймат
		2 а	2 б	2 в	
Лейкоцитлар (Ме (Q1; Q3))	20 (8; 300)	50 (12; 200)	37,5 (12; 212,5)	82,5 (23,75; 950)	$< 0,05$
Эритроцитлар (Ме (Q1; Q3))	1 (1; 6)	1 (2; 8)	1,5 (1; 9)	3 (1,75; 4,5)	$> 0,05$

Аммо сийдик таҳлилида энг кўзга ташланарли ўзгаришлар стент қўйилган гуруҳда қайд этилган бўлиб, у ерда сийдикдаги лейкоцитлар даражаси энг юқори қийматларга етган (82,5; $p < 0,05$), бу эса анча кучли яллиғланиш жараёни борлигидан далолат беради. Гуруҳлар ўртасида эритроцитлар бўйича фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли эмаслиги аниқланди ($p > 0,05$).

Қоннинг умумий таҳлили кўрсаткичлари ҳам гуруҳга қараб фарқ қилган, маълумотлар 5-жадвалда келтирилган.

5 Жадвал

Қоннинг умумий таҳлилининг асосий кўрсаткичлари (n=120)

Умумий қон анализ таҳлил курсаткичлари	1 - группа	2 – группа		
		2 а	2 б	2 в
Гемоглобин	$112,3 \pm 1,99$	$110,67 \pm 4,35$	$110,7 \pm 4,94$	$104,1 \pm 4,2$
Эритроцитлар	$4,4 \pm 0,086$	$4,48 \pm 0,19$	$4,35 \pm 0,29$	$4,39 \pm 0,25$
Тромбоцитлар	$252,7 \pm 0,91$	$249,9 \pm 1,9$	$250,36 \pm 1,6$	$253,89 \pm 1,83$
Лейкоцитлар	$10,3 \pm 1,54$	$13,1 \pm 1,1^{***}$	$14,9 \pm 1,7^{***}$	$12,65 \pm 0,95^{\wedge}$
П/я	$2,58 \pm 0,47$	$3,2 \pm 0,8$	$3,6 \pm 0,5$	$3,4 \pm 0,7$
С/я	$54,35 \pm 0,94$	$55,1 \pm 1,86$	$56,9 \pm 1,1$	$59,6 \pm 1,4^{\wedge}$
Эозинофиллар	$2,3 \pm 0,4$	$2,5 \pm 0,6$	$2,2 \pm 0,5$	$2,1 \pm 0,5$
Лимфоцитлар	$25,7 \pm 0,6$	$26,5 \pm 0,4$	$26,8 \pm 0,5$	$26,7 \pm 0,6$
Моноцитлар	$2,5 \pm 0,85$	$2,6 \pm 0,71$	$2,4 \pm 0,65$	$2,5 \pm 0,74$
ЭЧТ(сизим тезлиги)	$9,69 \pm 1,07$	$16,7 \pm 3,4^{**}$	$9,5 \pm 1,08$	$10,99 \pm 1,4$

Изоҳ: * – $P < 0,05$; ** – $P < 0,02$; *** – $P < 0,005$ 1-группага нисбатан;

$\wedge$ – $P < 0,02$ 2б гуруҳга нисбатан.

Гемоглобиннинг ўртача даражаси “уретеростомия” гуруҳида ($104,1 \pm 4,2$ г/л) “кесиш” (абляция) гуруҳига ($112,3 \pm 1,99$ г/л) нисбатан паст бўлиб, бу ҳолат сурункали яллиғланиш жараёни ва камқонлик (анемия) таъсири билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Лейкоцитлар даражаси эса яллиғланиш жараёни кучли кечган гуруҳларда анча юқори бўлган: “стентлаш” гуруҳи - $14,09 \pm 1,17$ ($p < 0,005$); “везикостомия” гуруҳи - $13,55 \pm 1,64$ ($p < 0,05$); бу эса фаол яллиғланиш жараёни борлигини тасдиқлайди. Тромбоцитлар даражаси эса барча гуруҳларда меъёр доирасида бўлиб, сезиларли фарқ кузатилмаган.

УОКташхиси қўйилган болаларда қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари натижалари 6-жадвалда келтирилган.

6 Жадвал


УОК бўлган болаларда ўтказилган қон биохимик курсаткичлари натижалари (n=120)

Параметр	1 - гуруҳ	2 – гуруҳ			
		2 а	2 б	2 в	р-киймат
Умумий оксил	$70,05 \pm 0,83$	$69,03 \pm 4,79$	$73,7 \pm 1,54$	$66,68 \pm 1,29$	0,05
Қондаги мочевино ммоль/л	$5,88 \pm 0,58$	$5,9 \pm 0,78$	$8,04 \pm 2,13$	$6,7 \pm 1,16$	0,02
Қондаги креатинин микдори ммоль/л	$57,7 \pm 5,5$	$59,35 \pm 10,77$	$78,19 \pm 17,9$	$75,7 \pm 14,03$	0,03

“Стентлаш” гуруҳида умумий оксил микдори бироз паст бўлган - $66,68 \pm 1,29$ г/л, бу кўрсаткич бошқа гуруҳлар билан солиштирилганда камроқ.

Бу ҳолат яллиғланиш жараёнлари ёки сийдик орқали оксил йўқотилиши натижасида оксил алмашинувининг бузилишини кўрсатади. Мочевина даражаси энг юқори “стентлаш” гуруҳида кузатилган - $8,04 \pm 2,13$, бу эса азот алмашинувининг бузилиши ёки буйракларнинг чиқарувчи функцияси пасайганлигини кўрсатади. Креатинин даражаси ҳам энг юқори “стентлаш” гуруҳида қайд этилган - $78,19 \pm 17,9$, бунда буйракларнинг фильтрация қобиляти пасайганлиги тасдиқланган. Олинган натижалар яллиғланиш, камқонлик ва буйрак фаолияти ҳолатини баҳолаш учун лаборатор текширувларни ўз ичига олган комплекс ёндашувнинг муҳимлигини кўрсатади, бу эса даволаш тактикасини ўз вақтида тўғрилаш имконини беради.

Барча беморларга ультратовуш текшируви ўтказилди, у болаларда сийдик чиқариш тизими патологиясини аниқлашда асосий усул ҳисобланади. УТТ ёрдамида сийдик пуфагининг ҳажми ва девор қалинлиги ўрганилди, бу эса орқа уретра клапани бўлган болаларда жарроҳлик даволаш тактикасини танлаш учун асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қилди.



Расм 2. УОК бўлган болаларда сийдик пуфагини УЗ текшируви орқали таххисий аҳамиятни баҳолашнинг ROC-тахлили

Пешоб пуфаги УТТ кўрсаткичларининг таххисий аҳамиятини баҳолаш учун ROC-тахлили (Receiver Operating Characteristic) ўтказилди. Бу усул даволаш натижаларини башорат қилишда кўрсаткичларнинг сезгирлик ва аниқлик даражасини аниқлаш имконини беради.

Тахлил қилинган ўзгарувчилар сифатида қуйидагилар олинди: сийдик пуфаги ҳажми, қолдиқ сийдик миқдори, ва қовуқ деворининг қалинлиги (қаранг расм 2).


7 Жадвал

ROC-тахлил усули орқали параметрларнинг прогностик аҳамиятини баҳолаш натижалари

Текширилаётган ўзгарувчи	Кривой ости майдони	Стандарт хато	Ассимптотик аҳамият	95% ишончли интервал
Сийдик пуфаги ҳажми	0,353	0,055	0,012	0,245 – 0,462
Қолдиқ сийдик	0,456	0,057	0,448	0,344 – 0,568
Қовуқ девори қалинлиги	0,642	0,057	0,014	0,530 – 0,754

Изоҳ: кесиш нуқтаси 4,15; сезувчанлик 73,2% ва махсуслик 55%

ROC-тахлил натижалари (қаранг: 7-жадвал) шундан далолат берадики, Қовуқ деворининг қалинлиги ўрганилган параметрлар орасида энг ахборотли кўрсаткич ҳисобланади (қаранг: расм 3). AUC қиймати (0,642) бу кўрсаткичнинг ўртача диагностик қийматга эга эканини кўрсатади ва уни клиник амалиётда обструкция ва у билан боғлиқ асоратлар хавфини баҳолашда қўллаш мумкинлигини англатади.



